

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ИРМУХАМЕДОВ АХМАДЖОН РУСТАМОВИЧ**

**МИТРАЛ КЛАПАН ДЕГЕНЕРАТИВ ЗАРАРЛАНИШИНИ  
ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШДА МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.34 – Юрак-кон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ирмухамедов Ахмадjon Рустамович**

Митрал клапан дегенератив зарарланишини жаррохлик даволашда  
миниинвазив технологиялар ..... 3

**Ирмухамедов Ахмадjon Рустамович**

Миниинвазивные технологии при хирургическом лечении  
дегенеративных поражений митрального клапана ..... 23

**Irmukhamedov Akhmadjon Rustamovich**

Minimally invasive technologies in surgical treatment of degenerative  
mitral valve diseases ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ИРМУХАМЕДОВ АХМАДЖОН РУСТАМОВИЧ**

**МИТРАЛ КЛАПАН ДЕГЕНЕРАТИВ ЗАРАРЛАНИШИНИ  
ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШДА МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.34 – Юрак-кон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib794 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зуфаров Миржамол Мирумарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Асамов Равшан Эркинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Алиев Шерзод Махмудович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**«Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасаси (Ўзбекистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра “дунё аҳолиси ўртасидаги ўлим ва ногиронлик ҳолатларининг асосий сабабларидан бири – бу юрак-қон томир касалликлари бўлиб, унинг катта қисмини юрак клапан аппаратининг орттирилган нуқсонлари ташкил қилади”<sup>1</sup>. XXI аср бошларига келиб дунёда умуман юракнинг орттирилган нуқсонлари (ЮОН) ва жумладан митрал клапан (МК) ни ташхис қилиш ва жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича катта тажриба тўпланди. Ғарбий Европа мамлакатларида юрак клапани нуқсонларининг тарқалганлик даражаси 2,5% деб баҳоланмоқда. “МК нинг дегенератив шикастланиши катта ёшдаги инсонларда клапан шикастланишининг энг кўп учрайдиган ва клиник жиҳатдан аҳамиятли шакли бўлиб, у билан касалланиш 65 ёшдан кейин, айниқса юрак клапани зарарланиши бўйича барча ҳолатларнинг 75% ни ташкил қилувчи митрал регургитацияга нисбатан сезиларли даражада ортади”<sup>2</sup>. Бунда клапанни жарроҳлик йўли билан тузатиш, очик юракда ўтказиладиган жарроҳлик амалиётлари умумий сонининг 20-23% ни ташкил этади. Бугунги кунда МК га клапанни сақловчи реконструктив жарроҳлик амалиётларининг солиштирма ҳажми нисбатан катта бўлмоқда. Ҳозирги вақтда мазкур жарроҳлик амалиётлари орасида МК нинг минимал инвазив жарроҳлиги мазкур жарроҳлик амалиётларидан кейинги эҳтимолий асоратлар ва ўлим ҳолатларининг паст кўрсаткичларига эга бўлган очик стернотомиянинг ҳақиқий муқобили сифатида ўзини кўрсатди. Шунга қарамасдан, амалий тиббиётда МК жарроҳлигига мини-инвазив технологияларни ёппасига жорий қилиш борасидаги фикрлар хилма-хил ва айрим ҳолларда зиддиятлилигича қолмоқда. Кардиожарроҳлик клиникаларининг бир қисми бундай усулларга нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндошмоқдалар ва етакчи муассасалардан олинган яқин истиқболдаги янги ва бўлажак натижаларни таҳлил қилган ҳолда кузатишни маъқул кўришмоқда. Шу тарзда, юрак клапан аппарати дегенератив зарарланган беморлар сонининг ортиши, МК да реконструктив-тикловчи амалиётлар орасидан вариантларни танлашда ёндашувларнинг хилма-хиллиги ва кардиожарроҳлик соҳасида мини-инвазив технологияларнинг тезкор ривожланиши, ушбу патологиянинг клиник жиҳатларини янада яхшироқ ишлаб чиқиш заруратини белгилайди.

Жаҳон тажрибасида ҳозирги вақтда юрак клапан аппаратининг дегенератив патологиясидаги митрал етишмовчиликнинг ривожланишига имкон берувчи сабаб ва оқибат алоқалари, шунга олиб келувчи омилларни ўрганиш энг долзарб тадқиқотлар бўлиб қолмоқда. Митрал клапаннинг дегенератив зарарланишида митрал регургитация механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда, дегенератив митрал регургитация патофизиологияси нуқтаи-назаридан митрал ҳалқа ва митрал тавақа (створка)ларнинг миқдор ва сифатга доир динамик таҳлилнинг ҳиссаси кўриб

<sup>1</sup> Iung B, Vahanian A. Epidemiology of acquired valvular heart disease. Can J Cardiol. 2014;30(9):962-970.

<sup>2</sup> Douedi S, Douedi H. Mitral Regurgitation. In: StatPearls. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2020.

чиқилмоқдаки, бу ўз навбатида орттирилган юрак нуқсонлари ривожланишининг юқори эҳтимоли мавжуд бўлган беморлар мониторингини олиб бориш, ўз вақтида ташҳис қўйиш ва даволаш учун фойдаланилиши, шунингдек жарроҳлик йўли билан тузатилгандан сўнг касалланиш ва ўлим ҳолатларини камайтириши мумкин.

Ватанимиз соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг замонавий босқичида дори-дармон ва жарроҳлик йўли билан даволашининг замонавий қоидаларини жорий қилиш ҳисобига орттирилган патологияли беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, МК нуқсонларига эга бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан олдин тайёрлаш ва хавфсиз жарроҳлик тактикаси усулларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга кардиожарроҳлик тизимини такомиллаштириш учун касалликнинг илк бочқичларида МК нинг ортга қайтариб бўлмас патологик ўзгаришларини ташҳислаш ва уларни ўз вақтида жарроҳлик йўли билан тузатишга доир янги усулларни қўллашнинг илмий асосланган натижалари талаб қилинади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига аҳолининг заиф қатламларига уларнинг тўлақонли турмуш кечиришини таъминлаш учун тиббий-ижтимоий кўмак тизимини ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланган<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни бажариш, шу жумладан, МК нинг дегенератив нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашда тактик-техник жиҳатларни мақбуллаштириш ва мини-инвазив реконструктив-тиклаш амалиётларини жорий қилиш орқали амалга ошириш, ушбу патологиянинг муҳим клиник аҳамиятга эга эканлиги сабабли долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 декабрь 2018 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони, 2017 йил 20 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071 сонли Қарори ва 2018 йил 26 январда қабул қилинган “Шошилинич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3494 сонли Қарори билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга ёрдам беради.

**Тадқиқотнинг республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” нинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кардиожарроҳлик технологияларининг фаол ривожланиши натижасида етакчи клиникаларда

---

<sup>3</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йил ПФ-4947 сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

кардиожарроҳлик амалиёти жароҳатларини камайтириш, жарроҳлик амалиётидан кейин тикланиш муддатларини қисқартириш, инфекциявий асоратлар сонини камайтириш ва имкон қадар чандиқсиз самарага эришиш каби муаммолар биринчи ўринга чиқди. Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар юрак ва асосий томирларда бажариладиган анъанавий жарроҳлик амалиётларига жиддий муқобил сифатида мини-инвазив аралашувларга бўлган қизиқишнинг ортишини белгиламоқда. American College of Cardiology/American Heart Association (ACC/AHA, 2017)<sup>4</sup> маълум қилишича, “ҳозирги вақтда дунёда МК да реконструктив жарроҳлик амалиётларини ўтказишнинг умумий сони 27% дан ошмайди ва бундай ҳолат ушбу беморлар бундай амалиётларни бажаришда етарли тажрибага эга бўлмаган муассасаларда даволанаётгани билан изоҳланади. Реконструктив жарроҳлик амалиётларини бажаришга ихтисослашган Salik I. et al.<sup>5</sup> (2020) маълумотларига кўра, “уларнинг ихтисослашган марказида МК ни сақлаб қолиш сони 90% га етади. Биринчи навбатда, бу жарроҳлик амалиётидан кейинги митрал етишмовчилик предикторларини аниқлаш ёрдамида жарроҳлик тактикасини танлашни мақбуллаштириш орқали эришилади”. Бундан ҳам мураккаброқ ва кам ўрганилган муаммо бўлиб, кўп жихатдан тузатишнинг қониқарсиз натижасини белгиловчи зарарланишнинг дегенератив этимологиясида МК га реконструктив аралашувларнинг техник бажарилиши хусусиятлари ҳисобланади<sup>6</sup>. МК пластик амалиётларнинг турли клиник вариантларини қўллаш масалаларини ўрганиш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Замонавий мини-инвазив технологиялар, сунъий қон айлантириш ва юракнинг асосий вазифаларини таъминлаш аппаратларининг пайдо бўлиши, шунингдек трансфузиология ва кардиореаниматологиянинг охириги ютуқлари юрак клапани нуқсонлари муаммосини янги нуқтаи-назардан ва замонавий даражада ўрганишга ёрдам беради. Бугунги кунда минимал инвазив кардиожарроҳлик технологиялари очик юракда ўтказиладиган эндоскопик-ассистентли ёки тўлиқ эндоскопик жарроҳлик амалиётларидан иборат бўлади. Яқин орада ва келажакда эришиладиган натижалар акс эттирилган ишлар тобора кўпроқ чоп этилмоқда, видео-ассистентли технологиялар ёрдамида митрал етишмовчиликнинг мини-инвазив жарроҳлигининг янги усуллари пайдо бўлмоқда<sup>7</sup>. Бундай оғир беморларни даволашга бўлган ягона ёндашувларнинг йўқлиги ва ушбу муаммонинг мунозаралиги уни батафсилроқ ўрганишни талаб қилади. Охириги тадқиқотларда МК да мини-инвазив жарроҳлик амалиётлари учун кўрсатмаларни ўрнатишга бўлган ёндашувларни стандартлаштириш ва умумлаштиришга уриниб кўрилган

<sup>4</sup> Nishimura RA, Otto CM, Bonow RO, et al. 2017 AHA/ACC Focused Update of the 2014 AHA/ACC Guideline for the Management of Patients With Valvular Heart Disease: A Report of the American College of Cardiology/American Heart Association Task Force on Clinical Practice Guidelines. *J Am Coll Cardiol.* 2017;70(2):252-289.

<sup>5</sup> Salik I, Lee L, Widrich J. Mitral Valve Repair. In: *StatPearls*. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2020.

<sup>6</sup> Идов Э.М., Хубулова Г.Г., Шихвердиев Н.Н., Марченко С.П., Кальной П.С., Бодров Д.А. Экспериментальное исследование механических свойств митрального клапана при дегенеративной патологии. *Журнал имени Петровского.* 2015; 3: 18-24.

<sup>7</sup> Nata M, Zittermann A, Hakim-Meibodi K, Börgermann J, Gummert J. Minimally invasive mitral valve repair or replacement for degenerative mitral regurgitation. *Interact Cardiovasc Thorac Surg.* 2019;28(4):575-580.

бўлиб, бу айниқса митрал етишмовчилик (МЕ) ва чап қоринчаси бузилишининг клиник кўринишига эга бўлган беморларда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий қарашларга кўра, жарроҳлик аралашувини чап қоринчада бузилиш риовжланганга қадар амалга ошириш мақсадга мувофик (Kamiya H<sup>8</sup>, 2018). Бунда, мини-инвазив жарроҳлик амалиётини қўллаш борасида энг кенг тарқалган кўрсатмалар қаторига митрал ва аортал клапанларнинг алоҳида зарарланиши, юрак миксомаси, юрак олди оралиғи деворининг нуқсонлари, веноз синусининг нуқсони билан биргаликда юракнинг ўнг бўлмасига ўпка юқори ўнг вена томирининг ғайритабиий дренажи, трикуспидал клапан нуқсонлари, митрал ва трикуспидал клапан нуқсонларининг биргаликда келиши кабилар ҳисобланади. Мини-инвазив кардиожарроҳлик усулларнинг янада кенгроқ қўлланилишига ноанъанавий ёндашувлар, янги асбоблар ва ускуналарни танлаш зарурлиги, айрим ҳолатларда эса жарроҳларнинг консерватизми (эски усулларга содиқлиги) ва бошқа омиллар қаршилик қилмоқда (Meier S et al. 2018)<sup>9</sup>.

Адабиётлар бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, дегенератив этиологияга эга МК нуқсонли беморларда даволаш-диагностика тактикасини такомиллаштириш масалалари энг долзарб ва охиригача ечилмаган муаммолар бўлиб қолмоқда, замонавий кардиожарроҳликнинг истиқболли йўналишлари бўлиб ҳисобланади ва янада кўпроқ ўрганиш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Шу туфайли, клиник амалиётга бажарилиши жиҳатидан янада ишончлироқ бўлган ва шахсий клапан аппаратини сақлаб қолишга ёки митрал пластикада чап қоринчада аннулопапиляр узлуксизлигини сақлаб қолишга қаратилган минимал инвазив жарроҳлик аралашувларни ўрганиш, яратиш ва жорий қилиш бўйича мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар зарур.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ нинг илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади бўлиб** тактик-техник жиҳатларни мақбуллаштириш ва мини-инвазив реконструкция-тиклаш жарроҳлик амалиётларини жорий қилиш орқали митрал клапан дегенератив нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш ҳисобланади.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

касалликнинг аломатсиз ва аломатли ривожланиш омилларини аниқлаган ҳолда, дегенератив генезнинг митрал регургитацияси мавжуд беморларда юрак гемодинамикаси хусусиятларини ўрганиш;

дегенератив генезли МК нуқсонларида мини-инвазив видео-ассистентли жарроҳлик аралашувини амалга ошириш учун кўрсатмаларни аниқлаштириш;

<sup>8</sup> Kamiya H. Minimally Invasive Cardiac Surgery With Thoracoscopy. Kyobu Geka. 2018;71(10):737-741.

<sup>9</sup> Meier S, Seeburger J, Borger MA. Advances in Mitral Valve Surgery. Curr Treat Options Cardiovasc Med. 2018;20(9):75.



дегенератив генезнинг митрал клапанлари нуқсонларини жарроҳлик йўли билан тузатишнинг турли усулларига оид яқин орадаги янги ва бўлажак натижаларини нисбий жиҳатдан ўрганиш;

митрал клапаннинг дегенератив зарарланиши жарроҳлик йўли билан тузатилгандан кейин жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратларнинг турли муддатларда хавфли ривожланиш омилларини аниқлаш;

жарроҳлик ёндашувларини мақбуллаштириш ва мини-инвазив технологияларни жорий қилинишини ҳисобга олган ҳолда митрал клапаннинг дегенератив зарарланишига эга беморларни даволаш ва ташҳислаш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2008 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Оденс шаҳрининг (Дания) Унивеситет клиникаси кардио-торакал ва қон-томир жарроҳлиги бўлими ва “Академик В.Воҳидов номидаги РИХМ” ДМ нинг орттирилган нуқсонлар жарроҳлиги бўлимида жарроҳлик амалиёти ўтказилган, МК нуқсонларига эга бўлган 94 нафар беморлар танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** дегенератив генезнинг МК етишмовчилигини жарроҳлик йўли билан тузатиш бўйича мини-инвазив видео-ассистентли технологияларнинг самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: тадқиқотнинг умумий клиник, лаборатория, асбобли, махсус ва статистик усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

митрал клапаннинг дегенератив зарарланиши бўлган аломатсиз беморларда юрак гемодинамикаси кўрсаткичларининг бузилиши мавжудлигини тасдиқловчи белгиларни аниқлашда юкламали функционал тестларнинг юқори даражада маълумотдорлиги исботланган;

гемодинамик профиль ва юракнинг қисқартириш функцияси пасайиш даражасини, шунингдек қон айланишининг зўриқиши борасидаги ўзига хос прогноз мезонларини ҳисобга олган ҳолда бирламчи аломатли ва аломатсиз митрал регургитация учун хос бўлган клиник-патоген хусусиятларга аниқлик киритилган;

катта ва кичик қон айланиш доирасининг юклама ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, дегенератив генезнинг аломатсиз митрал етишмовчилиги клиник кўринишининг ривожланиши ва кучайиши патогномоник хусусиятлари очиқ берилган;

митрал клапанда мини-инвазив видео-ассистентли жарроҳлик аралашувидан сўнг яқин орадаги асоратларнинг хусусияти, сони ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи жарроҳлик амалиётидан кейинги муҳим омилларга аниқлик киритилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

касалликнинг хавфли омиллари ривожланишини жарроҳлик амалиётига қадар баҳолаш учун бирламчи аломатли ва аломатсиз митрал регургитация вақтида юрак гемодинамикасининг ўзига хос кўрсаткичларини назорат қилиш муҳимлиги асослаб берилган;

ҳам аломатли, ҳам бирламчи митрал регургитацияли беморларда ўпка гипертензияси мавжудлигини кўрсатувчи ва касалланиш омиллари кўшилмасдан анча олдин эрта жарроҳлик аралашувига асос бўлиб хизмат қилувчи юрак гемодинамикасининг кўрсаткичларини инвазив ўлчаш орқали юклама тестларини қўллаш учун асосий кўрсаткичларга аниқлик киритилган;

жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар ривожланишининг асосий сабабларини аниқлаш орқали дегенератив митрал етишмовчилик вақтида мини-инвазив видеоассистентли жарроҳлик аралашувини ўтказиш хусусиятлари аниқланган;

нисбий жиҳатдан дегенератив патологияда митрал клапанда мини-инвазив видео-ассистентли жарроҳлик амалиётларини бажаришнинг аҳамияти ва мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

аломатсиз беморларда юклама функционал тестлар ва дегенератив этиологияли митрал етишмовчиликни жарроҳлик йўли билан тузатишнинг мини-инвазив техникасини қўллашга бўлган кўрсатмаларни кенгайтиришга имкон берувчи жарроҳлик ёндашувларни мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда даволаш-ташҳис кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижалар ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг холис мезонлари, лаборатория ва асбоблар ёрдамида ташҳислашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувларнинг тўғри қўлланилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар ўзининг илмий аҳамиятга эга эканлиги, юрак гемодинамикасининг аломатлари ва асосий кўрсаткичларининг ўзига хос бузилишлари пайдо бўлишини белгиловчи асосий омилларни аниқлаштириш орқали митрал клапаннинг дегенератив зарарланишлари аломатсиз кечишини ўрганишда муҳим ҳисса қўшиши билан белгиланади.

Мазкур ишнинг амалий аҳамияти дегенератив митрал етишмовчиликда мини-инвазив видео-ассистентли реконструктив жарроҳлик аралашувларнинг самарадорлиги бўйича ўтказилган таҳлил, жарроҳлик амалиётидан кейинги яқин вақтда ичида эҳтимолий асоратларнинг хусусияти, сони ва ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омилларни аниқлаштиришга, ишлаб чиқилган тактик-техник жиҳатлар эса даволаш натижаларини яхшилашга, жарроҳлик амалиётидан сўнг турли асоратлар ва ўлим ҳолатларини камайштиришга имкон берганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Митрал клапаннинг дегенератив зарарланишида мини-инвазив реконструктив-тиклаш бўйича жарроҳлик амалиётларининг тактик-техник жиҳатларини мақбуллаштириш борасидаги илмий тадқиқотнинг натижалари асосида:

«Митрал клапаннинг дегенератив зарарланишларини жарроҳлик йўли билан даволашда мини-инвазив технологиялар» номли услубий тавсияномалар тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июльдаги 8н-з/87-сон мълумотномаси). Мазкур тавсиялар митрал клапаннинг дегенератив зарарланишларини ташҳислаш

сифатини яхшилаш, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар сонини камайтириш, шунингдек мини-инвазив жарроҳлик амалиётларидан сўнг турмуш сифатини имкон қадар олдиндан тахмин қилишга имкон берди.

Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, хусусан, «Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт жарроҳлик маркази» ДМ кардиожарроҳлик бўлими, «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт жарроҳлик маркази» ДМ Наманган ва Урганч филиаллари фаолиятига тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июльдаги 8н-з/87 сонли маълумотномаси). Дегенератив генез митрал клапан етишмовчилигининг минимал инвазив жарроҳлиги тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш, юрак етишмовчилигининг 79% ҳолатларда даволаш, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни 58,5% дан 36,4% гача камайтириш ва беморларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини сезиларли яхшилашга имкон берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3-та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2-та халқаро ва 1-та республика анжуманларида муҳокамадан ўтди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 10-та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган 5-та журнал мақолалари, улардан 2-таси республика ва 3-таси чет эл журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса (якуний қисм), хулосалар, амалий тавсиялар ва иқтибос келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот материалининг матнли ҳажми 120 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, унинг мақсади ва вазифалари баён қилинган, илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, натижаларнинг апробацияси ва чоп этилиши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Митрал клапаннинг дегенератив ўзгаришларида даволаш-ташҳислаш тактикасининг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида дегенератив митрал етишмовчиликга (МЕ) эга бўлган беморларни даволашда эрта ташҳислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси бўйича илмий маълумотнинг батафсил таҳлили, танқидий баҳоланиши, умумлаштирилиши ва тизимлаштирилиши амалга оширилган, бундан кейин ўз ечимини талаб қилувчи долзарб муаммолар ўрганилган. Ўтказилган адабиётлар таҳлили натижасида ушбу муаммо бўйича ечимини топмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари баён қилинган. Тадқиқотга асос сифатида 2008 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Оденс шаҳрининг (Дания) Университет клиникаси кардио-торакал ва қон томир жарроҳлиги бўлимидаги 73 нафар бемор (77,7%) ва “Академик В.Воҳидов номидаги РИХМ” ДМ нинг орттирилган нуқсонлар жарроҳлиги бўлимида жарроҳлик амалиёти ўтказилган, МК нуқсонларига эга бўлган 21 (22,3%) нафар беморларни даволаш тажрибаси олинган. Беморлар амалга оширилган жарроҳлик аралашуви хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга бўлинди: МК да мини-инвазив видео-ассистентли реконструктив жарроҳлик амалиётлари; МК да клапан сақловчи очиқ реконструктив жарроҳлик амалиётлари; МК ни протезлаш.

Диссертациянинг **“Бирламчи аломатли ва аломатсиз митрал регургитацияли беморларда юрак гемодинамикаси хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида бирламчи симптомли ва симптомсиз митрал регургитацияли (МР) беморларда гемодинамик профилнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари тақдим этилган. Беморларнинг тинч ҳолатида ва юклама тестлари ўтказиш вақтида инвазив гемодинамик ўлчашларнинг натижалари баҳоланган. Тадқиқот Хельсинки Декларациясига мувофиқ, маҳаллий ахлоқ кўмитасининг розилиги билан (S-20140127) ўтказилди ва NCT01974557 идентификация рақамига эга Даниянинг маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича агентлигида рўйхатга олинган. Тадқиқотнинг барча иштирокчилари ёзма шаклдаги розилигини берган. Тадқиқотга киритилган 57-нафар иштирокчидан 28 (49%) беморлар NYHA бўйича II ва III ФТ ли МР га, 29 (51%) нафар беморлар NYHA бўйича ФТ I МР га эга бўлган. Хорда узилиши орқали дегенератив генезнинг МКОТ пролапси кўп ҳолларда аломатли МР га эга беморларда учраган. Трансторакал ЭхоКГ ўтказилганда аломатсиз беморлага нисбатан регургитация проксимал жойи майдони (PISA  $12 \pm 2$  против  $10 \pm 2$  мм;  $p=0,001$ ), регургитацияли тирқиш (ERO  $0,60$  см<sup>2</sup> [IQR, 0,40-0,82] нинг  $0,43$  см<sup>2</sup> [IQR, 0,24-0,53];  $p=0,01$ ) га қарши ва регургитация ҳажми (РО (102 мл [IQR, 72-128] нинг 73 мл [IQR, 39-92];  $p=0,02$ ) қарши юқори кўрсаткичлари аниқланган.

Беморларнинг тинч ҳолатида ўтказилган инвазив гемодинамик ўлчашларнинг натижаларига кўра МР яққол ифодаланган беморларда ўртача ДЎА нинг ( $22 \pm 7$  га қарши  $18 \pm 4$ ,  $p=0,005$ ), ЎКТБ ( $14 \pm 4$  га қарши  $11 \pm 3$ ;  $p=0,003$ ) ва юракнинг ўнг бўлмасидаги босим ( $7 \pm 3$  га қарши  $5 \pm 2$ ,  $p=0,02$ ) нинг анча юқори даражаларини намоён қилди (расм 1). ЎКТБ нинг меъёрий қийматларидан оғиш ( $> 12$  мм сим. уст.) аломатли беморларнинг 71% да ва аломатсиз беморларнинг фақатгина 34% да кузатилган ( $p=0,005$ ). МРТ да баҳоланган РХ тинч ҳолатида ЎКТБ юқори бўлган беморлар орасида анча юқори бўлган ( $66$  га қарши  $47$  мл,  $p=0,01$ ). ЎКТБ тинч ҳолатда МРТ ( $r=0,38$ ,  $p=0,009$ ) ва ЭхоКГ ( $r=0,34$ ,  $p=0,02$ ) да баҳоланган РХ билан ўзаро боғланади.



**1-расм. Бирламчи МР нинг аломатсиз ва аломатли беморларнинг тинч ҳолати ва юклама тестлари ўтказилганда марказий гемодинамика айрим кўрсаткичларининг ўзгариши**

Симптомли МР га эга бўлган беморлар орасида биз тинч ҳолатдаги ўртача ДЎА ва чап қоринча ташлаш фракцияси (ЧҚ ТФ) ( $r = -0,52$ ;  $p = 0,02$ ) ва ЎҚ ТФ ( $r = -0,67$ ,  $p < 0,01$ ) ўртасидаги тесқари боғлиқлик ва тинч ҳолатда ортаётган ЎКТБ ва ЧҚ ТФ ( $r = -0,51$ ;  $P = 0,02$ ) ўртасидаги ҳудди шундай алоқани аниқладик. Ушбу боғлиқликлар аломатсиз беморлар ўртасида статистик муҳим бўлмаган (ўртача ДЛА ва ЧҚ ТФ:  $r = 0,33$ ,  $p = 0,10$ ; ўртача ДЎА ва ТФ ЎҚ:  $r = -0,001$ ,  $p = 0,99$ ; ЎКТБ ва ЧҚ ТФ:  $r = 0,14$ ,  $p = 0,51$ ). Аломатли ва аломатсиз беморлар орасидаги СИ, СВ ва тизимли томир қаршилиги қийматлари ўртасида ҳеч қандай фарқлар кузатилмаган (1-жадвал).

Юклама тестларини ўтказиш чоғида ўртача ДЛА, ЎКТБ ва ЮЎБ босими қийматлари аломатсиз беморлар гуруҳидагига қараганда МР яққол ифодаланган беморларда юқорироқ бўлган (1-жадвал; 1-расм).

ЎКТБ аломатли МР гуруҳида 64% ҳолатларда ва аломатсиз беморларда эса 31% ҳолатларда максимал жисмоний машқлар вақтида кўпроқ ортган. ЎКТБ кўрсаткичи меъёрда бўлган аломатли беморлар орасида тинч ҳолатда

жисмоний машқлар вақтида меъёрдан оғиш 8 ҳолатдан 5 тасида (63%) ва аломатсиз беморларда 7 ҳолатдан 19 тасида (37%) кузатилган. Тажрибадан ўтаётган бир неча беморларда, тинч ҳолатда уларда ЎКТБ қийматлари меъёрдан ортиқ бўлган бир вақтда, зўриқиш вақтида меъёрдаги ЎКТБ билан аксинча манзара кузатилган. Бундай ҳолат аломатли МР га эга беморларга қараганда (20 ҳолатдан 7 тасида), аломатсиз беморларда кўпроқ учраб турган (10 ҳолатдан 8 тасида).

### 1-жадвал

#### Тинч ва жисмоний зўриқиш ҳолатида инвазив гемодинамик кўрсаткичлар

	Аломатли, n=28		Аломатсиз, n=29		p	
	Тинч ҳолат	Жисмоний зўриқиш	Тинч ҳолат	Жисмоний зўриқиш	Тинч ҳолат	Жисмоний зўриқиш
Ватт, жисмоний зўриқиш ҳолатида	-	116	-	122	-	0.61
САБ, мм сим. уст.	133±14	187±27	137±11	181±20	0.25	0.39
ЮҚС	66±10	124±14	67±13	126±20	0.83	0.71
ЎАБ, мм сим. уст.	90±10	112±16	91±9	107±15	0.73	0.21
Унг булмача босими, мм сим. уст.	7±3	13±6	5±2	10±4	0.02*	0.03*
САД ЛА, мм сим. уст.	31±9	64±13	27±5	55±11	0.045*	0.006*
ДАД ЛА, мм сим. уст.	16±5	32±7	12±3	27±6	<0.001*	0.006*
ЎАБ ЎА, мм сим. уст.	22±7	46±8	18±4	39±7	0.005*	0.005*
ЎКТБ, мм сим. уст.	14±4	30±6	11±3	25±7	0.003*	0.02*
Ташлаш фракцияси, л/мин	5.3±1.2	13.7±3.5	5.1±1.1	13.9±3.3	0.37	0.85
СИ, л/мин/м <sup>2</sup>	2.6±0.5	6.8±1.4	2.6±0.5	7.1±1.3	0.85	0.41
Лактат, ммоль/л	0.6±0.3	4.6±1.7	0.6±0.4	4.7±1.9	0.79	0.84

Ушбу тадқиқот натижалари бўйича биз дастлабки аломатсиз беморларда МР аломатларининг қуйидаги ривожланиш предикторини аниқладик: ЎКТБ тинч ҳолатда > 12 мм сим. уст. (ОШ=4,75; 95% ДИ 1,5-14,6; p=0,006); систолик ДЛА тинч ҳолатда > 30 мм сим. уст. (ИН=2,96; 95% СИ 1,0-8,8; p=0,047); юклама тестлари вақтида ЎКТБ > 28 мм сим. уст. (ИН=4,0; 95% ДИ 1.3-12.0; p=0,014); систолик (юрак қисқариш босими) ДЛА > 60 мм сим. уст. (ИН=2,9; 95% ДИ 1,0-8,6; p=0,05).

Иккала гуруҳларда ҳам МР юклама тестларига нисбатан кутилмаган жавоб билан боғлиқ ва юрак гемодинамикасининг кўрсаткичлари ўлчанганда ҳажмдан ортиб кетишини кузатиш мумкин. Бу аломатсиз беморларда айниқса сезиларли бўлди. Ушбу гуруҳда тажриба остидагиларнинг кўпчилигида юклама бериш вақтида юқори ЎКТБ ёки ЎГ қайд этилмаган. Ушбу ҳолат меъёридан ортиқ ҳажмда юклама бериш билан боғлиқ бўлган МК зарарланишида ЧҚ ва ЛА венали қайтишнинг ортишини жисмоний зўриқишлар орқали, айниқса ЧҚ миокардининг сақланган юмшоқлиги шароитида ўрнини қоплашга қодир бўлади.

Тадқиқотимиз маълумотларига кўра юкламалар вақтида аломатсиз МР нинг 31% ҳолатларида систолик ДЛА қиймати, тинч ҳолатдаги бошланғич кўрсаткичлар <40 мм сим. уст. бўлган бир вақтда 60 мм сим. уст. дан ортиғини ташкил қилган. Бундан келиб чиқадики, МР га эга бўлган ҳам аломатли, ҳам аломатсиз беморларнинг тинч ҳолатидаги юрак гемодинамикасини баҳолаш, уларда ЎГ борлигини тахмин қилишга имкон бермайди. Мазкур ҳолат беморларнинг ушбу гуруҳида стресс-тестларни кенгроқ қўллаш фойдасига қўшимча асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, жарроҳлик аралашувига кўрсатмалар ва ДЛА нинг ноинвазив баҳосини олиш имконияти йўқлигига нисбатан шубҳа уйғонган тақдирда, инвазив ўлчовларнинг тинч ҳолатда ва жисмоний зўриқиш давомидаги маълумотларни инобатга олиш лозим.

Аломатли беморлар орасида ўртача ДЛА ортиши ва ЧҚ ТФ ва ТФЎО нинг пасайиши ўртасидаги боғлиқлик ва худди шундай ЎКТБ ортиши ва ЧҚ ТФ камайиши ўртасидаги шунга ўхшаш алоқа ҳам кузатилди, мазкур ҳолат аломатсиз беморлар орасида аниқланмаган. Бу шундан даолалат бермоқдаки, аломатлар мавжудлигида ЧҚ функцияси, эҳтимол, юклама беришдан олдинги шароитга боғлиқ, ЎҚ функцияси эса юклама беришдан кейинги ҳолатга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, юқорида тилга олинган боғлиқлик ЭхоКГ маълумотлари бўйича ЧҚ ТФ ни баҳолашда яққол ифодаланмаган эди.

Шу тарзда, ушбу бирламчи аломатли ва аломатсиз МР нинг бирламчи ўрганилиши шуни кўрсатдики, иккала гуруҳдаги беморлар ҳам қон айланишининг меъеридан ортиқ юкланиши (ЎКТБ ва ДЛА нинг ортиши) ва юракнинг қисқариш функцияси пасайиши учун хос бўлган гемодинамик профилга эга бўлган. Ўтказилган юкламали тестлар аломатсиз беморларда МЕ нинг юқорироқ оғирлигини аниқлади.

Яққол аломатларнинг мавжудлиги бирламчи МР да жарроҳлик аралашуви учун I даражали кўрсатма бўлиб хизмат қилади, аммо клиник белгилари кўп ҳолларда секин-аста ривожлангани учун, кўп беморлар юкламаларга нисбатан бўлган мойилликнинг нозик ўзгаришлари ҳақида билишмайди.

Диссертациянинг **“Митрал клапаннинг дегенератив нуқсонларида видео-ассистентли ва бошқа жарроҳлик амалларининг тактик-техник жиҳатлари”** деб номланган тўртинчи бобда ташҳислаш, жарроҳлик амалиётидан олдинги парваришлаш, митрал нуқсонли беморларда интраоперацияли тактик ва техник жиҳатларнинг хусусиятлари акс эттирилган.

МК етишмовчилиги вақтида жарроҳлик аралашуви учун кўрсатмалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: яққол ифодаланган клапан етишмовчилигининг мавжудлиги (3-4 даражали); ЧҚ нинг меъёрдагидек ишлашига қарамасдан, қон айланиш декомпенсацияси белгиларининг яққол ифодаланган МН билан бирга намоён бўлиши; МН нинг аломатсиз кечиши ва ЧҚ систолик бузилиши белгилари (ТФ<50%, ЯДЎ>55 мм) билан ёки яққол ифодаланган ЎГ белгилари билан бирга намоён бўлиши (ЎА да систолик босим >50 мм сим. уст.).

Кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни белгилашда барча беморлар учун шахсий хусусиятга эга бўлган хавф омилларини инобатга олиш зарур бўлиб, бу рақамли кўрсаткичларда жарроҳлик амалиётларининг энг яқин ва келажақдаги натижаларини тахмин қилиш ва уни беморларни консерватив даволашдан кейин яшаб кетиш кўрсаткичи билан таққослашга имкон беради. Жарроҳлик амалиётининг хавф даражаси қуйидаги ҳолатларда ортади: 60 ёшдан катта беморларда ўтказилганда; МК да яққол ифодаланган регургитацияда; НУНА бўйича IV ФД да; такрорий жарроҳлик амалиётларида; 40% га тенг ёки ундан кичик ТФ да; тана юзасининг 2,2 бирлигига тенг қилиб олинган (меъёрда  $5,6 \pm 0,9$ ) ЧҚ босим/диаметр индексининг пасайишида; 140 мл/м<sup>2</sup> дан кўпга тенг бўлган ЧҚ ЯДХ.




Жарроҳлик амалиёти усулини танлаш жарроҳ олдида маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқаради ва беморнинг шахсий хусусиятлари ва жарроҳнинг ўз тажрибасига, клапан аппаратининг патоморфологияси ва замонавий технологиянинг имкониятлари, беморнинг истаги ва жарроҳлик билими даражаси, беморнинг ёши, клиниканинг аънаналарига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда жарроҳлик амалиёти усулини танлашда клапанни сақлаб қолувчи жарроҳлик амалиётлари яхши деб ҳисобланади. Агар жарроҳнинг тажрибаси етарлича бўлса, такрорий жарроҳлик амалиётини ўтказиш эҳтимоли юқори бўлмайди, табиий клапандан тромбоземболийлар хавфи қарийб мавжуд эмас, жарроҳлик амалиётидан кейинги стенозлар казуистика сифатида қаралади, эндокардит сони кўп эмас ва у протезлашга қараганда анча қулай кечади. Клапан аппаратининг барча тузилмаларини сақлаб қолиш муҳим устунлик ҳисобланиб, бу ЧҚ нинг яхшироқ ишлаши ва ҳаёт кечиришининг анча юқори сифатини таъминлайди.


Тавақалар (дарчалар), хордалар, сўрғичли мушакларнинг кўпол ўзгаришларисиз яққол етишмовчиликда ва клапан кальцинози бўлмаган МК нуқсонлари, кўп таркибий қисмлардан иборат реконструктив жарроҳлик амалиётлари учун кўрсатмалар бўлиб хизмат қилади. Клапанли ИЭ, инфарктдан кейинги нуқсонлар, II-III даражали кальцинозни ўз ичига олган қолган барча ҳолатларда, клапанни механик ёки биологик протез билан алмаштириш танлаш жарроҳлик амалиёти бўлиб ҳисобланади.

МК нинг кичик инвазив жарроҳлик усулининг техник жиҳатлари, эндовидео ёрдам ва сон томирлари орқали сунъий қон айланиш аппарати (СҚАА) тизимини улаш орқали амалга ошириладиган ўнг томонли олдинги миниторакотмияни қўллашни назарда тутди. Минимал инвазив митрал пластикани ўтказиш учун махсус асбоблар, ускуналар ва зарур материаллардан фойдаланилади (расм 2). Жарроҳлик аралашуви периферик (ташқи) СҚА ни амалга ошириш учун сон артерияси ва сон венасини ажратиб олишдан бошланади. Торакотомия амалга оширилганидан кейин (3-4-чи ёки 5-чи қовурға оралиғи бўйлаб 8-10 см), иккита қўшимча ишчи порт ўрнатилади (видео кузатув ва перикардиал қотирувчи чокларни ўтказиш, шунингдек кардиотомик тирқишларни ҳосил қилиш, ис газини чиқариш ва бошқа перикардиал чокларни тушириш учун).





**2-расм. А) жаррохлик хонаси умумий куриниши; Б) игнаушлагичлар, пинцетлар ва 2 қайчи; В) иккита митрал торакоскопик канчалар ва учли скалпел; Г) 30° бурчак билан эндоскоп; Д) транспорасик чап атриал реактор**



**3-расм. Миниинвазив видеоотехник ердамида операция босқичлари: А) перикардни очиш ва маҳкамлаш чокларини қўллаш; Б) интератриал септум орқали МКга кириш; В) пластик халқани ушлаш учун замбил чокларни қўллаш; Г) керакли ўлчамни аниқлаш ва пластик халқани ўрнатиш**

Кейинги босқич – ОЙЭхоКГ (ТПЭхоКГ) назорати остида юракни тўхтатган ҳолда аортани сиқиб қўйиш. МК га етиб бориш юракнинг чап бўлмаси давори орқали тўғридан-тўғри ва тўш чирғоғига бевосита яқин бўлган 3-чи қовурға оралиғида жойлашган юракнинг чап бўлмаси жароҳатини кенгайтирувчи ёрдамида бевосита юрак олд девори оралиғида амалга оширилди. Бундай усулда етиб боришга ундаган сабаблар бўлиб, ЧЮО нинг етарлича ўлчамлари мавжудлиги, ВПВ дан НПВ оғзигача бўлган масофада ЧЮО жойига эркин ва етарлича кириш учун тирқишнинг мавжудлиги хизмат қилди.

Кесма ўткир тигли скальпель ёрдамида ўнг юқори ўпка венасининг оғзи (этаги)да тешиш орқали бошланди. Шундан сўнг скальпель ёки қайчи ёрдамида кесма ўнг юқори ўпка венасини айланиб ўтган ҳолда юқорига қараб, ВПВ остига давом эттирилди. Пастга томон кесма НПВ остига қараб юрак олди ариқчаси бўйлаб олиб борилди. Ретрактор ёрдамида МК нинг етарлича кўриниб туриши таъминланди.

Жарроҳлик амалиётининг асосий босқичи якунлангандан кейин ЧЮО деворини тикиш, кесма бурчакларида иккита П шаклидаги чокларни тушириш орқали амалга оширилиб, шундан сўнг улар юрак олди деворининг барча қатламларини қамраб олган ва иккита қаторли чокларни ҳосил қилган ҳолда марказга ва қарама-қарши бурчакга йўналтирилган.

Диссертациянинг **“Митрал клапанда мини-инвазив видео-ассистентли реконструкцияни қўллашнинг яқин орадаги ва бўлажак натижалари”** деб номланган бешинчи бобида митрал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашни қўллашнинг бевосита ҳозирги ва яқин истиқболдаги натижалари акс эттирилган.


МК ни реконструкция қилишнинг видео-ассистентли минимал инвазив техникаси 41 дан 76 ёшгача бўлган 22 нафар беморда (ўртача  $58,5 \pm 17,5$ ) умумий госпитал ўлим ҳолатларисиз амалга оширилди.

Бизнинг материалимизда гидравлик синама усули орқали II ва ундан ортиқ даражадаги регургитация 10 нафар беморларда аниқланди (45,5%). МК нинг резидуал етишмовчилигини бартараф қилиш учун қўшимча жарроҳлик ҳаракатлари амалга оширилди (қониқарли синамага эришилганига қадар сув синамасидан кейин митрал тавақаларнинг тирқишини тикиш). 9 та ҳолатда регургитацияни бартараф қилиш ёки унинг даражасини камайтиришга биз комиссурлардан бирига қўшимча чокларни тушириш орқали эришишга муваффақ бўлдик. МК нинг қониқарсиз кўриниши туфайли 1 та ҳолатда (4,5%) жарроҳлик амалиёти кейинги ПМК орқали конвенционал стеронотомга ўзгартирилди.

Яқин истиқболдаги натижалар (6 ойгача) текширилаётган гуруҳдаги барча беморларда ўрганилди ( $n=22$ ). Ўтказилган клиник-асбобли текширувлар натижасида олинган натижалар, жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларда жисмоний ҳолатнинг сезиларли яхшиланиши кузатилган ҳолда бажарилган амалиётларнинг самарадорлигини кўрсатди. Хусусан, жарроҳлик амалиётигача III функционал синф (ФС) га эга бўлган барча беморлар, NYHA бўйича I ва II ФС га ўтишган бўлса, IV ФС ли беморлар эса - II ФС га ўтишди.

Стационардан чиқарилган беморлар орасида ўлим ҳолатлари кузатиш даврида бўлмади.

ИК шароитларида МК даги клапан сақловчи очик реконструктив жарроҳлик амалиётлари 38 дан 74 ёшгача бўлган (ўртача  $56 \pm 18$ ) 41 нафар беморларда ўтказилган бўлиб, умумий госпитал ўлим ҳолати 4,9% га тенг бўлди (2 нафар бемор).




#### 4-расм. Текширилаётган гуруҳдаги беморларни даволашнинг турли босқичларида ФС NYHA ва қон айланиш етишмовчилиги (ҚАЕ) босқичининг ўзгариш динамикаси

Даволашнинг турли босқичларида ўртача трансмитрал градиент ўртасидаги сезиларли фарқлар кузатилмади, марказий тенденция эса тахминан 5 мм сим. уст. да бўлиб, бундан протезлар ва таянч ҳалқаларнинг ўлчамини танлаш (пластикада) самарали митрал тирқишнинг етарлигини таъминлади. Жарроҳлик тузатишлари усулларида ҳеч қайси бири ўзига хос асорат сифатида трансмитрал градиентнинг сезиларли катталашувини назарда тутмайди.

Дегенератив патология туфайли МК да минимал инвазив видео-ассистентли жарроҳлик аралашуви амалга оширилган текширилаётган гуруҳдаги беморларни даволашнинг турли босқичларида ФС NYHA ва қон айланиш етишмовчилиги (ҚАЕ) босқичининг ўзгариш динамикаси 4-расмда кўрсатилган.

Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижалар асосида биз томондан МК да дегенератив нуқсонли беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини танлаш кетма-кетлиги яратилди (расм 5).



**5-расм. Дегенератив генезнинг митрал клапани нуқсонини даволаш ва ташҳислаш алгоритми**

## ХУЛОСА

1. Аломатсиз бирламчи МР га эга беморларда аломатларнинг пайдо бўлишини белгилловчи энг муҳим омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ЎКТБ тинч ҳолатда  $> 12$  мм сим. уст. ( $p=0,006$ ); систолик ДЛА тинч ҳолатда  $> 30$  мм сим. уст. ( $p=0,047$ ); юклама тестлари вақтида ЎКТБ  $> 28$  мм сим. уст. ( $p=0,014$ ); систолик (юрак қисқариш босими) ДЛА  $> 60$  мм сим. уст. ( $p=0,05$ ).

2. Гемодинамика хусусиятларини ўрганиш мақсадида ўтказилган юклама тестлари аломатсиз беморларда янада юқорироқ МН оғирлигини аниқлади. Ушбу натижалар хавфли омиллар қўшилишдан анча олдин, касалликнинг илк босқичларида жарроҳлик аралашувини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда танланадиган усул бўлиб мини-инвазив видео-ассистентли МК жарроҳлиги ҳисобланади.

3. Жарроҳлик амалиётдан сўнг энг яқин даврда очик реконструктив амалиётлар ва МК ни протезлашга қараганда мини-инвазив видео-ассистентли усулни танлаш афзаллигига қуйидагилар киради: бевосита жарроҳлик амалиётдан сўнг ЧҚ ТФ нинг сезиларли камайиши орқали миокарднинг қисқариш функцияси ишончли тарзда яхшироқ тикланиши, ўртача 20% га ( $p=0,03$ ), асоратлар умумий сонининг камлиги (58,5% ва 58,1% га қарши 36,4%), жарроҳлик амалиётдан кейинги оғриқларнинг камайиши, стационарда бўлиш вақтининг қисқариши. Узоқ келажакда ТФ нинг ўзгариши ҳам (57%) статистик муҳим фарқларни кўрсатди ( $p=0,04$ ). Шунингдек асоратлардан кўпроқ ҳалос бўлиш ва бошқаларга нисбатан ҳаёт сифатининг яхшироқ бўлиши қайд этилди (жисмоний ва руҳий ҳолат, яшаш қобилияти ва ижтимоий мавқенинг яхшиланиши).

4. Мазкур тоифадаги беморларда жарроҳлик амалиётдан кейинги энг яқин даврда вужудга келадиган асоратларнинг хусусияти, сони ва ривожланишига таъсир қилувчи энг муҳим омиллар қаторига қуйидагилар киради: беморнинг ёши 60 дан катта бўлса, бошланғич атриомегалия ва яққол ифодаланган аннулодилатация. Дегенератив ўзгарган МК нинг кейинги ноқобиллигининг ишончли предикторларига “етарлича тузатилмаганлиги” туфайли резидуал етишмовчилик, бошланғич атриомегалия, яққол ифодаланган аннулодилатация, тавақаларнинг деформацияли-мустаҳкамлик механик хусусиятларининг заифлашиши, ўрта тавақанинг зарарланиши.

5. Яратилган ва клиник амалиётга жорий қилинган МКЕ ни жарроҳлик йўли билан даволашга нисбатан кенг қамровли ёндашув ташҳислаш кетма-кетлигини, тактика ва жарроҳлик йўли билан тузатиш усулини танлаш кабиларни ўз ичига олиб, мавжуд нуқсоннинг тури ва клапан аппаратининг морфо-функционал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда асоратларнинг сонини камайтиришга, шунингдек мини-инвазив видео-ассистентли амалиётлардан кейин яхши натижалар олишга ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. Tib.49.01  
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

**ИРМУХАМЕДОВ АХМАДЖОН РУСТАМОВИЧ**

**МИНИ-ИНВАЗИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ХИРУРГИЧЕСКОМ  
ЛЕЧЕНИИ ДЕГЕНЕРАТИВНЫХ ПОРАЖЕНИЙ МИТРАЛЬНОГО  
КЛАПАНА**

**14.00.34 – Сердечно-сосудистая хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ-2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Tib794.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Зуфаров Миржамол Мирумарович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Асамов Равшан Эркинович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Алиев Шерзод Махмудович**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:**

**Государственное учреждение «Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр кардиологии» (Узбекистан)**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc. 04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ф.Г. Назиров**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.В. Девятов**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней  
доктор медицинских наук, профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации PhD)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «одной из ведущих причин смертности и инвалидности населения во всём мире являются сердечно-сосудистые заболевания, не малую долю которых составляют приобретенные пороки клапанного аппарата сердца»<sup>1</sup>. К началу XXI века в мире накоплен достаточно большой опыт в диагностике и хирургическом лечении приобретенных пороков сердца (ППС), в целом, и митрального клапана (МК) в частности. В западноевропейских странах распространенность клапанных пороков сердца оценивается в 2,5%. «Наиболее частой и клинически значимой формой клапанного поражения у взрослых являются дегенеративные поражения МК, заболеваемость которыми заметно возрастает после 65 лет, особенно в отношении митральной регургитации, составляющей 75% всех случаев поражений клапанов сердца»<sup>2</sup>. При этом хирургическая коррекция клапана составляет 20-23% от общего числа операций на открытом сердце. Удельный вес клапаносохраняющих реконструктивных вмешательств на МК на сегодняшний день является доминирующим. Среди этих вмешательств в настоящий период минимально инвазивная хирургия МК зарекомендовала себя как реальная альтернатива открытой стернотомии с низкими показателями послеоперационных осложнений и летальности. Тем ни менее, в практической медицине остаются противоречивыми мнения о тотальном внедрении мини-инвазивных технологий в хирургию МК. Часть кардиохирургических клиник с осторожностью относятся к данным методикам и склоняются к выжидательной позиции, анализируя ближайшие и отдаленные результаты, полученные из передовых учреждений. Таким образом, рост числа пациентов с дегенеративными поражениями клапанного аппарата сердца, неоднозначность подходов при выборе варианта реконструктивно-восстановительных операций на МК и прогрессивное развитие мини-инвазивных технологий в кардиохирургическую отрасль определяют необходимость дальнейшей разработки клинических аспектов данной патологии.

